Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокчон» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 24 март, чоршанба

№ 51 (21 402)

Нархи: 5 сўм

Ислом КАРИМОВ:

НАВРЎЗ ТИКЛАНГАНИ, ҲАЙИТЛАР ТИКЛАНГАНИ ЖУДА САВОБЛИ ИШЛАР БЎЛДИ

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Ўз она юртимизни, давлатимизни мустақил кўриш ҳар биримизнинг қалбимизга битмас-туганмас ғурур ва шодлик бахшида этади. Мана, иккинчи йилдирки, истиқлолнинг дастлабки самаралари шоҳидимиз. Вилоятимизда юздан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар, фуқаролар эркинлиги тўлиқ маънода таъминланмоқда. Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, садоқатимиз кун сайин жўш урмоқда.

Мустақиллигимиз эълон қилингандан буён қисқа фурсат ўтган бўлса ҳам ички ва ташқи сиёсат соҳасида оламшумул ўзгаришлар юз берди, Ўзбекистонни 125 дан ортиқ мамлакат мустақил давлат сифатида тан олди. Жаҳондаги 65 дан ортиқ ҳорижий мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул этилди. Қатор халқаро бирлашмаларнинг аъзоси бўлди. Булар — юртбошқ сифатидаги Сиз олиб бораётган одилона ва ҳаётбахш сиёсат, дадиллик ва жасорат, ташаббускорлик ҳамда келажакни олдиндан кўра билишликнинг ёрқин намунасидир. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жабҳаларда жумҳуриятимиз дадил қадамлар ва эзгу ният билан олға бормоқда. Бунда ўзининг қадимий бой тарихига, улкан моддий, маданий бойликларига, ноёб маънавий қадриятларига эга бўлган ўзбек халқининг ва унинг Президенти — Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз бир манбага қуйилиб баҳрул уммонга айланмоқда.

Сиз ички ва ташқи фаолият соҳасида юргизаётган оқилона сиёсатни астойдил, чин ихлос ва чуқур эътиқод билан қўллаб-қувватлаймиз.

Улуғвор ниятларни амалга оширишда биз — боболар, бизларнинг болаларимиз ва набираларимиз Сиз билан ёнма-ён, Сиз билан камарбастадирлар.

Вилоятимизда 270 мингдан зиёд фахрийлар яшамоқда. Ҳукуматимиз, шахсан Сиз уларга доимий ғамхўрлик қилиб келмоқдасиз. Айниқса, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган мурувват, Сиз бошлиқ ҳукумат кўрсатаётган саховат ва нажотдан ғоят миннатдор бўлмоқдалар.

Биз Тошкент вилояти фахрийлари, энг аввало, Сизга она-юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнатишда, меҳнатсевар, камтар, олижаноб халқимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлашда, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишда, ризқ-рўзимизни бут этишингизда, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мушкулликларни мардонавор енгишингизда, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда олиб бораётган қийин ва мураккаб, улуғвор ва саховатли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Биз фахрийлар вилоятимиздаги кўп миллатли барча меҳнаткашлар номидан Сизни ишонтириб айтамизки, барчамиз Сиз амалга ошираётган жамиятни барпо этиш йўлидаги улуғвор ишларни бажармоқликка ўзимизни сафарбар, деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга энг эзгу ниятларимизни изҳор этамиз: азиз бошингиз омон бўлсин, омад ва зафар ҳамиша Сизга ёр бўлсин!

Тошкент вилоят фахрийлари фаоллари йиғилишида қабул қилинди.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Боёвутликлар Сизни мустақил Ўзбекистон равнақи, келажаги, халқ фаровонлигини яхшилаш, тинчлик ва осойишталигини таъминлашдаги фаолиятингиздан чексиз мамнун ва қўллаб-қувватлайдилар. Сиздек жасур ва доно, ўз халқининг бахт-саодати йўлида жонфидо раҳбаримиз борлигидан кўнгиллар таскинда. Ҳар биримиз тақдиримиз, эртанги кунимиз, фарзандларимиз, авлодларимиз келажаги ўз қўлимизда эканлигини чуқур ҳис этиб турибмиз. Бу ҳалол ва фидокорона меҳнатимизга боғлиқлигини яхши биламиз.

Сиз қабул қилган фармонлар қишлоқ аҳолисининг оғирини енгил қилаётганлигининг гувоҳимиз. Қисқа вақт ичида биргина районимиз қишлоқларини газлаштиришда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1991 йилда 28,3 километр, 1992 йилда эса 83 километр масофада газлаштириш ишлари бажарилди. Кейинги икки йил ичида 934 хонадонга табиий газ киритилди. Бундан район аҳли беҳад мамнун ва Сиз, ҳурматли Президентимизга чексиз миннатдорчиликларини изҳор этадилар. Бундай ғамхўрликка фидокорона меҳнат билан жаваб берадилар.

Район аҳли Ўзбекистонимиз истиқлоли ва фаровонлиги йўлидаги самарали меҳнатингизда, ижтимоий-сиёсий соҳадаги фаолиятингизда Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, оилангизга тинчлик ва осойишталик тилайди.

Тошўлат МИРЗАҚОБИЛОВ, район Уруш ва Меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси. Фотима МИРЗАЕВА, У. Юсупов номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати. Музаффар САФАРОВ, «Боёвут» давлат хўжалиги бўлим бошқарувчиси, Усмонхон ЭШОНХОНОВ, У. Юсупов номли давлат хўжалиги бўлим бошқарувчиси, Қўчқор ХУЖАМҚУЛОВ, «Боёвут» давлат хўжалигининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА, Пушкин номли давлат хўжалигидан маҳалла қўмитасининг раиси, Фируза ҚИРҒИЗБОЕВА, Пушкин номли давлат хўжалигининг илғор сигир соғувчиси, Сайитқул ҲАЙИТҚУЛОВ, «1-Май» давлат хўжалиги дончилик бригадасининг бошлиғи.



Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат.

Бугун бутун мусулмон олами Рўза ҳайит (Ийди ал Фитр)ни кенг нишонлайди. Халқимиз асрлар оша эъзозлаб келган мазкур айём Ўзбекистонда ҳар қачонгидан тантанали ўтмоқда. Боиси, қадриятини тиклаб бораётган халқ ана шу ютуғига ҳам мустақиллик туфайли эришди.

Рўза ҳайити Наврўз тантаналарига уланиб кетганлиги алоҳида завқ-шавқ бахш этаётир. Муборак Рамазон байрами осойишта ва тинч халқимизни янада жипслаштирсин, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланаверсин.

Ҳайитингиз муборак, азизлар!

(Учинчи саҳифага қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Муборак ийди ал-Фитр муносабати билан Сиз, жаноби олийларини шахсан ўз номимдан, Иордания қироллиги ва ҳукумати ҳамда халқи номидан самимий қутламоқдан, энг яхши ниятларимни изҳор этмоқдан мамнунман. Биродар халқингизнинг фаровонлиги ва мусулмон миллатининг эркин йўлида сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

Иордания қироли Ҳусайн БИРИНЧИ.

«ИСЛОМОБОД»ГА МАРҲАБО!

Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳрининг Қўкча даҳасида шарқона қурилган салобатли иншоот — маданият маркази фойдаланишга топширилди. Маҳалла аҳли Ўзбекистонни дунёга танитишда катта ишларни амалга ошираётган, халқимизнинг фаровон яшаши йўлида жон куйдираётган Президентимиз ҳурмати учун уни «Исломобод» деб аташга қарор қилди. Даҳада истиқомат қилувчи барча аҳоли буни мамнуният билан кутиб олди.

Икки қаватли қаср пишиқ ғишт ва темир-бетон қурилмалардан бунёд этилган, мармар ушоқлари билан пардозланган. Фавворалар отилиб турадиган «Ҳавзи Кавсар» ва ички устунлар оқ мармар билан ороланган.

Атрофига яшил бута ва кўм-кўк арчалар экилган ҳовли рўясидан ўтиб ичкарига кирасиз. Бир томонда кенг чойхона, бир томонда эса 600 кишига мўлжалланган ғўйхона. «Бахт уйи»да келин ва қуёвлар никоҳдан ўтадилар. Иккинчи қаватда эса суратхона, видео ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган.

Маданият марказининг очилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов ва Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек Фозилбеков қатнашди.

П. НИШОНОВ.
ЎзА мухбири.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Муқаддас ийди ал-Фитр кириб келаётгани муносабати ила Сиз, жаноби олийларини самимий қутлаш менга катта қувонч бағишлайди. Шу улуғ айёмда Сизни шахсий бахтингиз ва сиҳат-саломатлигингиз учун, мамлакатингиз ва халқингиз фаровонлигию зафарлари учун дуолар қилмоқдамиз. Биз шахсан Сизга ва Сиз орқали барча мусулмон халқларига бу байрам тинчлик ҳамда саодат келтиришини тилаймиз.

Оммон султони Қобус бин САИД.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Қадрли Президент Ислом Каримов!

Буюк байрам Наврўз ва Ийди ал-Фитр муносабати билан чин қалбдан қутловимни қабул этгайсиз. Сизга энг яхши тилаклар ёр бўлсин! Бу қўшалоқ байрам шахсан Сизга буюк зафарлар ва бахт-саодат олиб келсин, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик насиб этсин.

Юксак ҳурмат ила,

Холид ал РИЗО.
Саудия Арабистони, Жидда.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВАЗИФАЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари республика Президенти белгилаган йўлдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий қоидалари хусусида касаба уюшмаларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Федерация кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов маърузасида, нотиқларнинг сўзларида иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш, бу жараёнга кенг халқ оммасини жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Барча соҳаларда ишлаб чиқаришнинг юксалишигина ҳар бир оилага фаровонлик келтириши айтиб ўтилди.

Мажлисда ташкилий масала кўриб чиқилди. Собир Раҳимов тумани ҳокими бўлиб ишлаган К. М. Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов номига мурожаатнома қабул қилдилар.

[ЎзА].

МИНГ НАФАР ЯНГИ АЪЗО

● Ўзбекистон ХДП Жиззах вилояти партия ташкилотларида ҳисобда турувчи 18 минг нафарга яқин аъзога ҳужжатлар топшириб бўлинди.

Дўстлик, Арнасой, Зарбдор районларида партия аъзолари илгари компартия давридагидан ҳам ошганлиги эътиборга лойиқ.

— Буни асло аъзолар сони кетидан қувиш, деб тушунмаслик керак, — дейди Дўстлик район партия кенгашининг биринчи котиби Х. Мустафоев. — Сафимизга қўшилаётган ҳар бир аъзони пухта ўрганиш билан бирга, улар олдига партия аъзоси сифатида жиддий талаблар қўйилаяпти. Зеро, ҳозирги шароитда бу жуда муҳим.

Вилоят бўйича янгидан партия аъзолигига қабул қилинганлар сони минг нафардан ошди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов раислигида Сиёсий ижроия қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳозирги шароитдаги энг долзарб сиёсий вазифалари тўғрисидаги масала кўрилди.

Сиёсий ижроия қўмита ҳозирга келиб партиянинг ташкилий шаклланиш даври ниҳоясига етганлигини, энди у ўз фаолиятининг янги ва янада масъулиятли босқичига ўтаётганлигини таъкидлади. Бу босқичда ХДП фаолиятининг бош йўналиши партиянинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборини ошириш, унинг аниқ сиёсий мақсадларига нисбатан халқимизда хайрихоҳлик туйғуларини кучайтиришдир.

Барча даражадаги партия ташкилотларининг иш фаолиятида мамлакат Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолалари ҳамда жаҳондаги етакчи оммавий-ахборот воситаларининг вакиллари учун ўтказган матбуот конференцияси материалларидаги асосий қоидаларни атрофлича ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ва турмушга тадбиқ этиш бениҳоя муҳим аҳамият касб этмоғи лозим.

Сиёсий ижроқўм мажлисида Тошкент вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП юқори органлари ҳужжатларини ижро этишларига доир фаолияти ҳам муҳокама қилинди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби У. Турғуновнинг шу масала юзасидан ахбороти тингланди. Тошкент вилояти партия кенгашлари бу соҳада бир мунча ишларни амалга ошираётганлиги қайд қилинди. Шу билан бирга ижрони назорат қилишни ташкил этишда расмиятчилик ҳоллари кузатилаётгани, юқори органларнинг айрим қарорлари белгиланган муддатларда бажарилмаётгани ёки ярим-ёрти бажарилаётгани, вилоят партия кенгаши аъзолари ижрони текшириш ишига кам жалб этилаётгани айтилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП барча кенгашларига ижрони назорат қилиш ва текшириш ишига партия аъзолари ҳамда фаолларни жалб қилиш тавсия этилди. Ижроия бюролар мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишига доир ахборотлар, белгиланган тадбирларнинг ижроси учун масъул бўлган ходимларнинг ҳисоботларини мунтазам тинглаб бориш, котиблар ва бошқа масъул ходимларнинг партия кенгашларидаги иш юритишни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлигини ошириш топширилди.

Мажлис партия кадрларининг малакасини ошириш ва ижобий иш тажрибаси билан уларни қуроллантириш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ўқув марказини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб, шу юзасидан илгари тузилган комиссиянинг таклиф ва хулосаларини маъқуллади. Марказий Кенгаш аппаратининг тегишли бўлимларига ўқув марказини ташкил этишга доир ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Сиёсий ижроия қўмитанинг мажлисида партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот марказн.

(ЎзХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳозирги шароитдаги энг долзарб сиёсий вазифалари тўғрисида»ги қарори газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

ТАНИШИНГ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИ

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг қарори билан Маматқул Ҳазратқулов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори этиб тайинланди.

Маматқул Ҳазратқулов 1947 йилда Ургут туманидаги Мингбулоқ қишлоғида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Тошкентдаги 12-қурилиш бошқармасида оддий ишчиликдан бошлади. 1970 йилда Тошкент Давлат университетини битирди. У талабалик йилларидаёқ «Ўзбекистон маданияти» газетасида мусаҳҳиҳ, адабий ходим лавозимларида ишлади. 1981 йилдан 1991 йилгача «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида масъул котиблик қилди. Шундан сўнг у Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг мафкура бўлимида инструктор, шўъба мудири вазифаларида фаолият кўрсатди. 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратида масъул ходим.

Маматқул Ҳазратқулов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони билан тақдирланган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТДАГИ ЭНГ ДОЛЗАРБ СИЁСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ХДП бугунги кунда ташкилий шаклланиш даврини тугаллаб, ўз фаолиятининг янги масъул босқичига ўтмоқда. Бу босқичдаги бош йўналиш партиянинг омма ўртасидаги таъсирини янада кучайтириш, халқимизда ХДПнинг сиёсий мақсадларига нисбатан хайрихоҳлик туйғуларини оширишдир. Бу ишда барча даражадаги партия ташкилотлари республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолалари ҳамда унинг жаҳондаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари учун ўтказган матбуот конференциясида ва БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга йўллаган мактубида баён этилган хулоса ва қоидаларга риоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Зеро, бу ҳужжатларда халқимизнинг, ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг манфаатларини ўзида мужассам қила оладиган ҳуқуқий давлатни ва фуқаролар демократик жамиятини барпо қилишнинг муҳим дастурий йўналишлари баён қилингандир. Уларда кўп жиҳатдан партиямиз Дастурининг асосий қоидалари тўлдирилган ва ижодий ривожлантирилгандир. Ўзбекистон ХДП аъзолари мамлакатимиз раҳбарияти амалга ошираётган тинчликни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида миллий тотувлик ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, Марказий Осиёда тинчликни барқарорлаштириш мақсадини кўзлаган чуқур ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

1. Республика Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолалари ва унинг жаҳондаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган матбуот конференциясида ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолийга ёзган мактубида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилган ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг оммага таъсирини янада ошириш, унинг аниқ сиёсий мақсадларига нисбатан халқимизда самимий хайриҳоҳликни кучайтириш партия фаолиятининг ҳозирги босқичидаги бош йўналишидир.

2. Барча бошланғич партия ташкилотларига 1993 йилнинг апрель — май ойларида кун тартибида ягона масала: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзусида очиқ партия йиғилишлари ўтказиш тавсия қилинсин. Унда мамлакатимиз раҳбариятининг халқимиз, ҳар бир оила ва ҳар бир инсон манфаатларини ифодалайдиган ҳуқуқий давлатни ҳамда фуқаролар демократик жамиятини барпо этишга қаратилган сиёсий йўлини изчил ҳаётга тадбиқ қилишда партия аъзоларининг амалий жиҳатдан иштирок этиш вазифалари аниқ белгилаб олинсин.

Йиғилишлар ўтказиш жараёнида партия ташкилотларининг нуфузини мустаҳкамлашга, аҳоли кенг қатламлари томонидан ХДП сиёсатини қўллаб-қувватлашга эришиш ишига муҳим аҳамият берилсин. Халқ орасида ўзининг ҳалол меҳнати, ижодий фаолияти билан ижтимоий-сиёсий барқарорликни, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини асраб қолишга муносиб ҳисса қўшаётган партия аъзоларининг ибрати таъкидлаб ўтилсин.

Партия йиғилишларида ҳокимликлар вакиллари ва Ўзбекистон ХДП аъзолари бўлмиш халқ депутатларининг чиқишларини уюштириш тавсия этилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлимларига маҳаллий ҳамда бошланғич партия ташкилотларига зарур амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш топширилсин. Йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда партия марказий, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари аъзоларининг фаол иштирок этишига эришилсин.

3. Партия ташкилотларининг сайловчилар ўртасидаги сиёсий ва ташкилий фаолияти кучайтирилсин. Ҳудудий партия ташкилотларини тузиш ишлари давом эттирилсин. Уларнинг сайлов мавзелари ва участкаларида таъсирчан кучга эга бўлиши учун барча чора-тадбирлар кўрилсин. Сайлов мавзелари ва участкалари доирасида обрўли, билимдон, тажрибали ва фаол партия аъзоларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳларини тузиб, уларнинг ишини ҳозирдан йўлга қўйиш билан астойдил шуғулланиш партия ташкилотларининг долзарб вазифасидир.

4. Республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва унинг юксалишини таъминлаш соҳаларидаги вазифаларни рўёбга чиқаришда ҳар бир партия ташкилоти ўз ўрнини топиши зарур, деб ҳисоблансин. Аҳолининг ночор, кам даромадли қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларини билан изчил шуғулланиш давом эттирилсин.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун партия аъзоси бўлмиш депутатлар ва бошқарувнинг барча даражадаги раҳбарлари билан ўзаро баҳамжиҳат бўлиб, ҳамкорликнинг энг самарали шакллари излаб топилсин. Жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши кураш соҳасида ҳукумат амалга ошираётган чора-тадбирларни охирига етказиш сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлансин.

5. Партия ташкилотларининг ёшлар ўртасида обрў қозонишига, таъсир доираси кенгайишига алоҳида диққат-эътибор қаратилсин. Ёш авлодни фуқаролик бурчларини бажариш, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳар бир партия ташкилотининг масъулиятини оширишга эришилсин. Ёшларнинг дам олишини ташкил этиш масалаларига, талабалар истиқомат қиладиган жойларда яхши шарт-шароит яратиш, уларга хизмат қилаётган савдо шахобчалари ва ошхоналарда зарур тартиб ўрнатишга кўмаклашишга муҳим аҳамият берилсин.

Эслатма: Қарор қисқартириб берилмоқда. Шу масала юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг хати жойларга юборилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш борасида қўшимча чоралар кўриш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситалари кимга тегишли бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, руль бошқаруви ўнг томонда жойлашган бўлса, 1993 йилнинг 1 мартидан рўйхатга олинишига, 1993 йилнинг 1 июлидан эса улардан фойдаланилишига йўл қўймасин.

2. Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорацияси руль бошқаруви ўнг томонда жойлашган автотранспорт воситаларини республиканинг автомобиль таъмирлаш корхоналарида кейинчалик қайта жиҳозлаш учун 2 ой муддат ичида техникавий топшириқни ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги билан келишиб олсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, импорт автомашиналар ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирдагина уларни олиб келиш ва рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқароларнинг руль бошқаруви ўнг томонда жойлашган автотранспорт воситаларининг транзит ўтишига, шунингдек улардан 1 ой муддатгача фойдаланилишига рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази Ўзбекистон Республикасида ўнг томондан ҳаракат қилиш қабул этилганига асосланиб, 1993 йилнинг 1 июлигача автотранспорт воситаларининг руль бошқаруви жойлашишини тартибга солувчи стандартни ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 21 октябрдаги 485-сон қарорида (2-илова) кўзда тутилган транспорт воситаларини импорт қилишга вақтинчалик божларнинг ставкаларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган хорижий маркадаги транспорт воситаларига вақтинчалик божларнинг ставкаларини мувофиқ равишда қўпайтиришни қайта кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири А. МУТАЛОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ОЛИБ КЕЛИНАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШГА ВАҚТИНЧАЛИК БОЖЛАРНИНГ СТАВКАЛАРИ

Товарнинг номи	Товар коди	Автотранспорт бирлигининг шартномавий қийматига нисбатан ставкалар фоиз	
		Энг оз	Энг кўп
1. Транспорт воситалари жамоат, пассажир ташувчи, моторли (шу жумладай дизель ва ярим дизель моторли) цилиндрининг иш ҳажми 2500 куб.см.дан ошмайдиган	870210910	20	40
2500 куб.см.дан ошадиган	870210110	20	40
2800 куб.см.дан ошмайдиган	870290310	20	40
2. Енгил автомобиллар, одамларни ташиш учун мўлжалланган бошқа моторли воситалар, шу жумладан пассажир фургон автомобиллари ва пойга автомобиллари	870300000	20	40

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Иқтисодий, техникавий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ авж олмоқда. Хусусий ташаббус ва ишбилармонлик имкониятлари кенгайиб бормоқда. Республика бозори чет элларда ишлаб чиқарилган моллар билан тўлиб бормоқда.

Бироқ шу муносабат билан айрим муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Республика давлат автоинспекциясининг ходимлари тажрибада ҳорижий фирмалар ишлаб чиқарган автомобиль воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ташвишли статистикага дуч келдилар.

Ҳозир республикада турли маркалардаги юз минглаб автомобиль мавжуд. Уларнинг ёнига кейинги йилларда руль бошқаруви ўнг тарафда жойлашган машиналар қўшила бошлади. Айни шу хилдаги транспорт ўнг томондан қатнаш қоидаларига «қовушмай», йўл ҳаракати хавфсизлиги учун таҳлика солаётган бир талай ҳоллар қайд этилди.

Ўтган йили содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари қиёсий таҳлил этилганида оддий автомобилларга нисбатан рули ўнг тарафда жойлашган автомобилларнинг фалокатга сабаб бўлиш ўртача кўрсаткичи анча юқори экани маълум бўлди. Машина тузилишидаги бизда қабул этилган хавфсизлик қоидалари талабларига мос келмайдиган тавофутлар бунга сабаб бўлмоқда. Шундай машиналарнинг ҳайдовчилари йўлдаги вазиятни тўлатўкис кузатиб бориш имкониятига эга эмаслар. Автомобилларнинг чироқлари ўзига хос тарзда ўрнатилганлиги сабабли турли пайтда уларнинг чироқлари қарши томондан келаётган машиналарнинг ҳайдовчилари кўзларини қамаштириб қўяди. Хорижий маркадаги машиналарнинг пассажирлари салонга кириш ёки ундан чиқиш учун йўлнинг машина қатнайдиган қисмига ўтишларига тўғри келади. Чет элларда ишлаб чиқарилган машиналар узоқ вақт ишлатилганидан кейин бизнинг юртимизга келтирилаётгани ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Эҳтиёт қисмларнинг зарур турлари йўқлиги, таъмирлаш сифатининг пастлиги шу автомобилларнинг зарур техникавий ҳолатини таъмин этмаяпти.

Мана шу сабабларга биноан ва аввало республика йўлларида хавфсизлик тартибини таъминлаш зарурлигини эътиборга олиб, Вазирлар маҳкамаси руль бошқаруви ўнг тарафда жойлашган автотранспорт воситаларни кимга тегишлилиги ва мулкчилик шакларидан қатъи назар 1993 йилнинг 1 мартидан рўйхатга олинишига, шу йил 1 июлидан бошлаб эса уларни ишлатишга йўл қўймасликка қарор қилди.

«Узавтотранс» корпорациясининг «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фуқароларнинг истакларини эътиборга олиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг автомобиль таъмирлаш заводларида руль бошқаруви ўнг тарафда жойлашган автотранспорт воситаларини қайта жиҳозлашга оид техникавий топшириқларни ишлаб чиқмоқда. Қайта жиҳозлашга оид техникавий топшириқлар ҳамма турдаги ҳорижий автомобиллар учун ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга автомобиль таъмирлаш заводлари турли ҳорижий маркалардаги машиналарни қайта жиҳозлаш соҳасидаги ҳақиқий иш ҳажмлари масаласини пухта ўйлаб кўрмоқда. Ишлаб чиқиляётган чора-тадбирларда Ўзбекистон Республикасида қабул этилган йўл ҳаракати стандартларининг ва тартибга солувчи қоидаларининг барча зарур талаблари кўзда тутилмоқда.

• Соғлом авлод учун

Келажак — ёшларники. Улар илк нафасу, бешикдаги тарбиядан тортиб, то олий билим даргоҳларигача бўлган йўлда қоқилмасликлари айни муддаодир. Мустақил Ўзбекистон ҳукумати соғлом авлод учун ҳеч нимани аямайди. Буни Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш сари шаҳдам одимлар қўяр эканмиз, бунинг учун Ўзбекистон ҳукумати доно сиёсат юритмоқда. Ватаннинг чинакам камолоти тарбиялланган авлодини вояга етказиш учун Президентимиз фармони билан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Жаҳоннинг бирор мамлакатида йўқ бундай мукофотнинг юзага келиши республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида фарзандларимизга бекаму кўст ғамхўрлик кўрсатиш ҳаракати авж олдириб юборилди.

Наврўз кунларида Тошкент вилоятининг Пискент районида бир йўла уч қувончли воқеа юз берди. Район марказий тиббий бирлашмаси ва иккита болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Пискентнинг мусаффо ҳавоси, сўлим табиати одамларига ҳам бардамлик ва тетикликни ато этган. Шунинг учун ҳам уни кураги ерга тегмайдиган полвонлар диёри, ҳам деб таърифлашади. Тантаналар чоғида ақл бовар қилмайдиган маълумотни эшитдик. Бу районда тўнғич ва ягона саломатлик маскани қурилганига роса 80 йил бўлибди. Буни қарангки, Чор Россияси замонида қурилган 13 ўринли касалхонадан бўлак бироита тузукроқ шифохона бунёд этилмабди. Шу пайтгача эскирган иморатлар инсон саломатлиги йўлида мослаб берилаверган.

Ниҳоят мустақиллик шарофати билан бу ерда биринчи марта жаҳон андозаларига мос даволаш маскани ўзининг салобатини кўз-кўз эта бошлади. Тўрт қаватли тиббий бирлашмада реанимация, терапия, гинекология сингари бўлимларда 150 ўрин муҳайё этилган бўлса, бирлашманинг поликлиникаси кунига 200 беморни даволаш имкониятига эга. Саломатлик масканининг барча бўлимлари қатор ҳорижий мамлакатлардан сотиб олинган ўта ноёб тиббий ускуналар билан жиҳозланади. Бирлашманинг бош шифокори Меҳринисо Худойбердиеванинг қувончи бир олам.

— Биз шифокорларнинг кўчамизга ҳам офтоб тушди. Бундай имкониятдан бошимиз кўкка етди. Энди соғлом она ва соғлом фарзандлар яратилмоқда. Ҳомиладор оналар туғишгача бўлган вақт ичида бу масканда икки бор даволанишади, чақалоқ дунёга келган куннинг ўзидаёқ онаси бағрига берилади. Бунинг учун гинекология бўлимида махсус ўн ўринли ораста хоналар муҳайё. Шундай қилиб, бу ерда чақалоқни сунъий эмизишга барҳам берилди.

Замонавий саломатлик маскани бунёд бўлиши учун ҳозирги нарх-наволарда ҳисоблаганда юз миллионлаб сўмлаб маблағ сарфланди. Уни рўёбга чиқаришда 15-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари садоқатли меҳнат қилишди. Райондаги «Пискент», «Дўстлик» хўжаликлари ва пахта тозалаш заводи энг қимматбаҳо медицина ускуналарини сотиб олиб беришда ҳиммат кўрсатди.

Тантанали маросимда бу маскан жамоасига жуда кўп совғалар инъом этилди. Улар орасида Тошкент вилояти ҳокимлиги совға этган 10 та телевизор салмоқли ўрин эгаллади.

Район марказий тиббий бирлашмаси очилишига бағишланган маросимда Тошкент вилояти ҳокими Сайфулла Давирович Сайдалиев район меҳнаткашларига тортиқ этилган муносиб совға

БОШИНГ ОМОН БЎЛСИН, КЕНЖА АВЛОД

табобати хизматида тўлиқ ишлашимизга катта имкониятлар яратилди.

Пискентликларнинг ҳар бир оиласида камида тўрт фарзанд бор. Ўн ва ундан ортиқ болани туғиб тарбиялаётган қаҳрамон оналарнинг сафи ҳам ўзига яраша салобатли. Бу районда 14 ёшгача бўлган 28 минг фарзандларнинг баркамол тарбияси йўлида ғамхўрлик қилинмоқда.

Ўтган ўн йилликлар мобайнида ҳомиладор ва туққан оналар ва уларнинг чақалоқларига малакали медицина хизмати кўрсатиш анча мушкул эди. Эндиликда бир қатор қулай шароитлар

— улкан шифохонанинг очилиши ҳақида гапирар экан бундай деди:

— Ўзбекистон Республикаси давлати ва унинг Президенти мамлакатимизнинг ёш авлоди баркамол ўсиб-улғайиши учун катта имконият лар яратиб бермоқда. Айниқса, болалар соғлиғини сақлаш, халқ таълими, физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Пискентда муносиб авлод ўсиб-улғаяди. Саломатлик маскани яхшиликка хизмат қилсин.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Каримов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Пискент райони ҳокими А. Носиров ва бошқалар гапирдилар.

Шундай қилиб, Наврўз айёмида Пискент районида катта саломатлик маскани ва бир йўла иккита болалар боғчасининг эшиклари очилганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Абдулла ПЎЛАТОВ,

Суратларда: Пискентда бўлган тантаналардан лавҳалар.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ХДП ҳаётидан

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

● ХДП Яккабоғ район кенгаши ва ёшлар иттифоқи қўмитаси ташаббуси билан район марказида авлодлар учрашуви ўтказилди. Учрашувни ХДП район кенгашининг биринчи котиби Ф. Юсупов кириш сўзи билан очди.

Залда жаҳонгир Амир Темур, Мирзо Бобур ва Нодирабегим ҳақида театрлаштирилган саҳналар намойиш этилди. Шундан сўнг Улуғ Ватан уруши фахрийси Қ. Маҳмудов, меҳнат фахрийларидан А. Ҳанипова, Қ. Бозоров, О. Тўраев, М. Турдиева, Н. Усмоновалар сўз олиб, ёшларни меҳр-оқибатли бўлиш, Ватан ва дўстликни қадрлаш, иноқ ва иттифоқ яшаш, иқтисодий қийинчиликлардан тезроқ чиқиш учун тинч ва осойишта, мардонавор меҳнат қилишга чақирдилар.

Кекса авлод вакилларига эсдалик совғалари топширилди. Учрашув қатнашчилари томонидан Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримовга мактуб йўлланди.

Мусо КАРОМОВ.

ГАП ТЎНДА ЭМАС

Муқим Хидировни танигандар «Ҳа, у киши, эски тракторчи-да», дейишади. Шундан бўлса керак, техникани тузатиш, асраб-авайлаб ишлатиш бобида ҳалигача унга мурожаат қилувчилар кўп.

Тақдирига чўлқуварлик битилган экан, туғилиб ўсган жойи жаннатмакон Бахмални ташлаб умрининг асосий қисмини чўлларда ўтказди.

Жиззах вилояти Зафаробод районидаги С. Раҳимов номли давлат хўжалигига келганига ҳам 15 йилдан ошди.

Яқинда ўғиллари набираларининг тўйига қўшиб отасининг 60 йиллик юбилей тўйини ҳам қилиб беришди. Қўшалоқ тўйга, қўш-қўш тўёналар тушди. Аммо бир тўёна нафақат унинг, балки бутун тўй аҳлининг диққатини тортди.

Бу тўёнани ХДП хўжалик бошланғич ташкилоти котиби Жонибек Давронов топширди. Сифатли ҳориж материалидан тайёрланган ушбу тўёна — тўнни хўжаликдаги кўп йиллик ҳалол ва шарафли меҳнатларингиз учун, — дея Муқим акага кийгазди.

Ҳа, бу ерда хўжалик раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва бошланғич партия ташкилоти ўзаро кенгашиб иш юритишади.

Ш. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Тошкентда халқаро кўргазма

БОЗОР ЙЎЛИ

Қишлоқ хўжалигини устивор даражада ривожлантириш мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий йўналишларидан биридир. 1993 йил 25 мартдан 31 мартгача Тошкентдаги «ЎзбЭкспомаркез»да Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг юксак технологияси» шиори остида ўтадиган халқаро кўргазма ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Мазкур кўргазманинг ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг биринчи вице-президенти, академик Саидмаҳмуд Нўъмонович Усмонов бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Олтин ҳам, кумуш ҳам ўз қолича бойлик бўла олмайди. Уларга сайқал берсангиз, ҳислатларини намойиш эта олсангиз, бу маъданлар оҳанграбодек кишиларни ўзига тортади, муомалага киришади. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон заминининг неъматларига ҳам ана шу позициядан туриб баҳо бермоқ керак.

Учқоранинг майизи, деймиз. Ёки Қуванинг анори, Риштоннинг ўриги. Бу атамалар ўша жой табиатига хос хусусиятни ифодалабгина қолмасдан, айни пайтда шу неъматларни етиштирган соҳибкорлар меҳнатини баҳоловчи ёрлиқ ҳамдир. Шунинг учун Ўзбекистон бозорларида бу хил мевалар жуда харидоргир, баҳоси ҳам нисбатан баланд бўлади.

Мустақиллик туфайли бизга жаҳон дарвозалари кенг очилди. Энди ўзбек деҳқони ва боғбони ўз маҳсулотларини дунёнинг исталган жойида сотиш имкониятига эга. Шимол ўлкаси Россия учун қарсиллаб турган ҳусайни ёки туятиш анорнинг ўзиёқ ёрлиқ, тақдимнома вазифасини ўтайверар эди. Бироқ эрталаб Америка даласидан узилган тарвуз ёки сабзавотни тушликда дастурхонга тортувчи фаранги ёки немиса заминимизда етиштирилган маҳсулотни манзур этиш учун фақат «Ўзбекистон» деган ёрлиқнинг ўзи камлик қилади. Энди етиштирган маҳсулотимизни аёвсиз рақобат бозоридаги инжиқ харидорнинг дидига мослаб сарҳиллашдан тортиб, уни чиройлик халталарга жойлаш ва ниҳоят қайта ишлашгача бўлган жараёнларни бошқаттан кўриб чиқиш пайти келди.

Иккинчидан, деҳқонларимиз ва боғбонларимиз катта меҳнат сарфлаб етиштирган маҳсулотнинг ҳаммаси истеъмолчиларга етиб бормайди. Техника етишмайди. Бунинг устига қайта ишлаш усулларимиз жуда ибтидоий. Натижада ҳар йили 30-40 фоиз сабзавот ва полиз маҳсулотлари нобуд бўлиб кетади.

«Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг юксак технологияси» — «Қишлоқ хўжалик маҳсулоти —93» халқаро кўргазмаси ана шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Унда «Интернациональ» (Франция), «Скеэт» (Германия), «Хеми Мас» (Венгрия), «Полимекс Цекоп» (Польша), «Юханласка» (Австрия), «Фата» (Италия), «Касетти» (Италия), «Яеско» (Венгрия) каби ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорида яхши танилган ўнлаб фирмалар иштирок этадилар. Шунингдек, Россия ва Қозоғистоннинг бир қатор етакчи фирмалари ва заводлари ҳам жаҳон ўлчамларига мос келувчи машина-ускуналарини намойиш этадилар.

Мева-сабзавот маҳсулотларини консервалайдиган, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, мева қуритадиган, саралайдиган машина ва механизмлар, совутгичлар, тарозилар, новвойхона, омборхона, ошхона, дўкон жиҳозлари, тегирмонлар, турли транспорт воситалари қулай, ихчам, арзон бўлиши билан бирга юксак самарадорлиги жиҳатдан ҳам жаҳон бозорида харидоргир ҳисобланади.

Айни пайтда ўзимизнинг саноат корхоналаримиз шу турдаги машина ва механизмлари билан кўргазмада қатнашиб, янги мижозлар топишлари ва жаҳон бозорига йўл очишлари мумкин бўлади, деб ҳисоблайман.

«Хоразмнинг қовуни», ёки «Форишнинг майизи» деган гап бозорда қандай харидорни ўзига тортса, «Ўзбекистон» ёрлиғи билан чиққан маҳсулотлар Париж ёки Лондон бозорларида ана шундай машҳур бўладиган кунлар узоқ эмас. Бу мақсад йўлида «Қишлоқ хўжалик маҳсулоти—93» халқаро кўргазмаси деҳқонлар, фермерлар ва барча ишбилармонларимизга пешвоз чиқади.

Кўргазма давомида ривожланган мамлакатлар ва МДҲ давлатлари фирмаларининг етакчи мутахассислари иштирокида йиғилишлар, учрашувлар ўтказиш ҳисобга олинган.

Сиз қўшма корхона қуриш ва ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун шартнома тузмоқчисиз. Ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи самарадорлиги юксак қурилмаларни сотиб олмоқчисиз, марҳамат. Бунинг учун кўргазма қошида ишлаб турадиган тижорат марказига мурожаат қилсангиз кифоя.

«Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг юксак технологияси» — «Қишлоқ хўжалик маҳсулоти — 93» Халқаро кўргазмасига маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи барча корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари, ишбилармонлар ва фермерлар таклиф этилади.

Кўргазма ўтаётган пайтда тегишли фирмалар билан ҳамкорлик шартномалари ва битимлари тузишга иштиёқмандлар тегишли ҳужжатлар ва муҳрларини ўзлари билан олиб келсалар юмушлари осон битади.

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Жумлаи жаҳон мўмин-мусулмонлари учун азиз ва муқаддас бўлган саналардан бири Рамазон ойидир.

Ислом таълимотига кўра, қарийб ўн тўрт асрдан буён башарият рушду ҳидоят йўлига даъват этиб келаётган Қуръони Карим мана шу муборак Рамазон ойида нозил бўлган. Шу боисдан ҳам Рамазон ойи муқаддас, бу ойда мусулмончиликнинг асосий рукнларидан бири — рўза тутиш фарз этилган. Бу рукн ҳам, албатта, ислом динининг бошқа асосий устунлари сингари ўз-ўзидан ташаккланмай, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ тарихий босқичларда юзага келган.

Ислом таълимотига кўра, рўза ойининг жорий этилиши тарихига назар ташлаб кўрамиз, қуйидагиларни таъкидлаш лозим: мелодий ҳисобининг 622 (ҳижрийнинг биринчи) йилида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилганларида бу маскан аҳолиси орасида ашуро (муҳаррам ойида ўн кун рўза тутиш) одат бўлган. Кейинчалик, аниқроғи, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳижратларидан сўнг 17—18 ой ўтгач, яъни 623-йилнинг охирларида унинг ўрнига Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутиш фарз қилинди.

Рўза тутиш катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга молик. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан бирида — «уч кишининг дуоси рад этилмай қабул бўлади: оғиз очаётган рўзадорнинг дуоси, адолатли давлат раҳбарининг дуоси ва ноҳақ жабр кўрган кишининг дуоси», — дейилиши ҳам бу ибодатнинг нечоғли буюклигига яққол далилдир.

Мавриди келганда шуни айтиб ўтиш керакки, муборак Рамазон ойида рўза ибодатидан бошқа яна бир қанча муҳим тарихий воқеалар ҳам қайд этилади. Шулардан энг муҳими — Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кеча — «лайлатул қадр» (тақдир кечаси)дир. Ислом таълимоти асосчиси ва саҳобалар шаҳодатича, Қуръони Карим айнан шу «лайлатул қадр» тунида илк марта нозил бўлган. Бу ҳақда муқаддас китобда ҳам очиқ-ойдин баён қилинган. Бу тун йилнинг энг яхши кечасидир. «Лайлатул қадр» улуғ айём сифатида алоҳида нишонланади. Муқаддас аталишининг боиси ҳам шундадирки, Қуръони Каримнинг «Ал-қадр» сурасида «Бу кечанинг фазилати минг ойдан ҳам афзалроқдир», дейилган. Рамазон ойида, шунингдек ислом тарихида муҳим ўрин тутган воқеалар силсиласи содир бўлган. Улардан 6-рамазон — Муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси имом Ҳусайн туғилган кун, 10-рамазон — Муҳаммад алайҳиссаломнинг биринчи завжаи муҳтарамалари Хадича онамиз вафот этганлар, ўн еттинчисининг тонгида машҳур Бадр жанги бўлган ва ўша куни пайғамбар алайҳиссаломнинг Маккаи мукаррамага музаффар кирган кунларини ва бошқа тарихий воқеаларни санаб ўтиш мумкин.

Ўттиз кунлик рўзанинг хотима топиши,мана, деярли 14 асрки, бутун ислом оламида Рамазон (бизда у рўза ҳайити ёки ийди алфитр — оғиз очиш байрами номлари билан ҳам юритилади) ҳайитига боғлиқ махсус тантанали маросимлар билан нишонланади.

Рўза ҳайитининг жорий этилиши тарихи ҳақида ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари бўлиб, ватандошимиз, буюк мухаддис олим абу Исо ат-Термизий бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Пайғамбар алайҳиссалом Мадинаи мунавварага келганларида воқиф бўлдиларки, шаҳар аҳли (йилда) икки кун ўйин-кулги, хурсандчилик билан машғул бўлар экан. Шунда Расулуллоҳ: «Бу икки кунда ўйин-кулгу қилишингизнинг боиси нимада?» — деб сўрадилар. Улар: «Бу икки кунда биз жоҳилия даврида бошлаб хурсандчилик қиламиз», деб жавоб қилдилар. Расулуллоҳ: «аллоҳи таоло бу кунларингизни яхшироқ бошқа икки кунга — явм ал-адҳа (Қурбонлик куни) ва явм ал-фитр (оғиз очар куни)га алмаштирди», дедилар. Шу тариқа исломдаги икки улуғ байрам — Рўза ва Қурбон ҳайитларига асос солинган ҳамда улар асрлар оша мусулмонларнинг энг мукаррам ва муқаддас байрамлари сифатида нишонланади. Жумладан, пайғамбар алайҳиссалом давридаёқ бу байрамларнинг оммавий ўйин-кулгу, улуғ шодиёналик билан нишонлангани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Масалан, Расулуллоҳнинг суюкли завжалари Ойша онамиз шундай деганлар: «Ҳайит кунларининг бирида мен икки жория қизларнинг ашулаларини мароқ билан эшитиб ўтирган эдим, кутилмаганда отам Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар ва бизни ҳурсандчиликка берилганимизни кўриб, уч марта «Бу шайтон наволари-ку», — деб бизларни қойиб кетдилар. Шу дамда ноғаҳон Расулуллоҳ ҳам келиб қолдилар ва отамга қараб: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолларига қўйинг, зеро, ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади! Бугун бизнинг байрамимиздир!» дея хитоб қилдилар.

Азалдан Рамазон ойида одатдагидан кўпроқ ибодатлар адо этилади. Мискин, етим-есирлар ва бечораю муҳтожларга инъомлар, фитр садақалари тарқатилиб, хайру-эҳсонлар улашилади. Фитр — садақа бериш барча мўмин-мусулмонларга вожиб. Фитрнинг Ҳайит намозигача берилишининг замирида улкан халқпарварлик ғояси — Ҳайит кунида ҳамма баробар хурсандчилик қилиб, муҳтожлик сезмаслиги мақсади мужассамдир.

Рамазон ҳайити дўстлик, иноқлик, тинч-тотувлик, меҳр-мурувват, одамийлик, ватанпарварлик, поклик, шукронаи неъмат каби юксак инсоний фазилатлар намоён бўладиган улуғ айёмдир. Бу кунларда ўзаро гина-кудуратлар ўнутилади, ихтилофу келишмовчиликларга барҳам берилиб, билиб-билмай қилинган гуноҳлар кечирилиб, айблар ҳам мағфират этилади. Бу хусусда Ўрта асрда яшаган ироқлик машҳур тарихчи ибн ал-Жавзийнинг (1116—1201) ўн жилдли «Ал-мунтазам» номли йирик асарида келтирилган кичик бир маълумот диққатга сазовордир. «1011 йили Рўза ҳайити арафасида улуғ вазир Бағдод музофоти қамоқхоналарини назорат қилиб айланади ва муборак ҳайит муносабати билан енгил жиноят қилганларни ва тавбадорларни ҳибсдан озод қилади. Бир динордан ўн диноргача қарзи учун қамалганларни буткул озод қилиб, ундан ортиқ қарзи учун жазо муддатини ўтаётган маҳбусларни эса кафилликка олиб, байрам кунларини ўз оилалари билан ўтказиб қайтишлари шарти билан уларга ҳам рухсат беради», — деб ёзади позиктаъб муаррих.

Бутун ислом дунёсида бўлгани сингари Туркистон заминида ҳам ҳайит намозлари жамоа бўлиб ўқилади, намоздан кейин марҳумлар руҳини хотирлаб дуои-фотиҳалар қилинади. Мўминмусулмонлар ота-оналари, дўсту биродарлари, қариндош-уруғларини ҳайит билан қутлайдилар, бетобу ҳожатмандларни зиёрат қилиб, кўнгилларини кўтарадилар. Отахону онахонлар, мўйсафидлар, яқин кишилар ва болаларга байрамона совғалар — ҳайитликлар улашиш ҳам халқимизнинг азалий удумларидандир.

Сўнгги йилларда жонажон Ўзбекистонимизда қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса мустақиллигимиз шарофати билан ҳаётбахш илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ибратли тарихимиз, бой маданий меросимиз, турфа хил маънавий қадриятларимиз, удумларимизни ўрганиш ва тиклаш, ушбу беҳо бойликлардан халқни баҳраманд қилишда катта ишлар амалга оширилаётир. Халқимизнинг кўнглини хушнуд қилган бу хайрли ишларнинг ҳаммаси муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов собитқадамлик ва изчиллик билан олиб бораётган доно сиёсатининг ёрқин самарасидир. Муборак динимиз равнақи йўлидаги ижобий ўзгаришлар, диндорларга яратилган улкан имкониятлар алоҳида таҳсинга сазовор. Виждон, эътиқод эркинлиги қоидаларининг ҳаётга тўла татбиқ қилина бориши, Президентимиз фармонлари билан Ўзбекистонимиз тарихида биринчи маротаба диний байрамлар: Рўза ҳайити (ийд алфитр) ва Қурбон ҳайити (ийд ал-адҳа)ни умумхалқ байрамлари сифатида дам олиш куни деб эълон қилиниши том маънодаги оламшумул аҳамиятга молик воқеалар бўлиб, диёримиз мўмин-мусулмонлари қалбини беҳад қувончга тўлдирди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бу йил муборак Рўза ҳайити учинчи маротаба тантанали нишонланаётир. Бу йилги Рамазон ва Наврўз байрамлари бирбирига уланиб кетиши алоҳида тароват ва шодиёналик касб этиб, мустақил Ватанимизда бир жон, бир тан туйғуси билан яшаётган халқларнинг байналмилал байрамига айланиб кетди. Муборак Рамазон байрами эзгулик ва бирдамлик, хайру барака, иқтисодий тараққиёт ва маънавий камолот сари ақл-заковат билан шаҳдам бораётган давлатимиз фуқароларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб, янги зафарлар бахш этишга тилакдошмиз. Жумлаи мўмин-мусулмонларимизни улуғ айём — Рамазони шариф билан чин юракдан муборакбод этамиз. Шу табаррук кунларда Аллоҳим ҳаммаларимизни рушду ҳидоят нури билан баҳраманд этиб, битмас-туганмас неъмату ҳикматларидан рўзи-насиб айласин, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, порлоқ келажаги йўлидаги қутлуғ саъй-ҳаракатларимиз, солиҳ ишларимизга хайру барокотлар ато этсин!

Убайдулла УВАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар комитети раисининг биринчи муовини.

● Қутлуғ айём.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

⊙ Ўлганларни ҳақоратлаб, тирикларни —хешларини ранжитиб қўйманглар!

⊙ Оз бўлиб кифоя қилиб турганингиз кўп бўлиб йўлдан оздирганидан яхшидир.

⊙ Ўқ отиш машқида жонли нарсани нишон қилиб қўйманглар.

⊙ Кимки одамлар ўртасини бузиб юрувчи бўлса, у ҳам аҳли исломдан эмас.

⊙ Мусулмонларнинг ҳаммаси бир-бирларига биродардирлар. Уларнинг бири иккинчисидан ортиқ эмас, балки ортиқ-камлик тақвога қараб белгиланади.

⊙ Кимки одамларга нисбатан ношукр бўлса, Аллоҳга нисбатан ҳам ношукур бўлур.

(«Ҳадис»дан).

⊙ Аллоҳнинг наздида савоб умидида ғазабни ютишдек улуғ савоб йўқдир.

⊙ Дўстлик ҳам, адоват ҳам наслдан-наслга мерос қоладиган нарсадир.

(«Ҳадис»дан).

● Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳлари тўкилади.

● Тилини бефойда сўзлардан тийиб олмагунча киши имоннинг ҳаловати қандай бўлишини сезмайди.

● Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

● Одамлар билан муросаю мадорада бўлиш ҳам садақа ҳисобланади.

● Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар.

● Мўмин киши бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди.

● Уч кундан ортиқ аразлашиб юриш исломда йўқ.

● Бир-бирларингизга туҳмат ва бўҳтон қилманглар.

● Замондан қойинманглар, зеро замоннинг эгаси Аллоҳдир.

● Ҳайитликларни топшириш пайти.

ФАХРИЙЛАРГА ҲАЙИТЛИК

Чинарафа куни «Ўзбекистон овози» газетаси редакциясига Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раҳбарлари ташриф буюрдилар. Жамғарма раиси профессор Шабот Хўжаев газета фахрийлари Абдусаттор Тўраев, Солиҳа Раҳимова, Клавдия Булгакова, Гулсум Мингалиева, Ёқут Холмуҳамедоваларга жамғарма совғаларини топширди.

Совға-саломнинг катта-кичиги бўлмайди, албатта. Муҳими, бу — эътибор. Ана шу мурувват ва ғамхўрлик учун жамғарма раҳбарларига катта миннатдорчилик изҳор этилди.

Ю. ЗИЁДОВ.

● *Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади!*

ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАР САРИ

Эсимни таниганимдан бери тўп тепаман, десам мубоғаа бўлмас. Севимли футбол жамоаси «Пахтакор»нинг доврўг таратган йиллари менга ҳам катта футболда ўйнаш насиб этган. Пахтакорчилар билан 14 йил бирга бўлиб ғалаба йўлидаги аччиқ ва қувончли дамларни бошимдан кечирганман.

Ўтган йиллар мобайнида юксак лавозимдаги раҳбарлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келган. Зеро, мен 1989 йилдагисини унутолмайман. Бу даврда мен пахтакорчиларга устозлик қилардим. Жамоамиз Львов шаҳри «Карпати» футболчиларини қабул қилиб, йирик ҳисобда ғалабага эришди. Шунда юртбошимиз Ислом ака Каримов учрашувни ўйингоҳда томоша қилган эканлар. Мени ҳузурларига чақириб қолдилар. У киши ғалабадан манун бўлганликлари ҳақида сўзлаб республикада футболни ривожлантириш, хусусан, «Пахтакор» мавқеини яхшилаш учун қандай ёрдам зарур бўлади, деб қизиққан эдилар.

Куни кеча эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорда Президентимизнинг халқимиз саломатлиги, республиканинг жаҳон миқёсидаги обрўси ҳақида ғамхўрлик қилаётганликлари ўз ифодасини топган. Бу ёғини сўрасангиз, мамлакатимиз тарихида футболга бағишланган бундай кенг қамровли ва мукаммал ҳужжат қабул қилинганини эслолмайман. Бу қарорнинг аҳамияти бениҳоядир. Унда кўзда тутилган вазифалар рўёбга чиқарилса Ўзбекистон жаҳондаги футбол мамлакатларининг бирига айланиши табиийдир. Ўйлайманки, бунинг учун бизда етарли имкониятлар бор. Аввало, халқимиз футболни жон-дилдан севади. Бирон қишлоқ ёки шаҳар йўққи, футбол жамоаси бўлмаса. Футболга ҳавас қўйган болаларни айтмайсизми? Зеро, биз оммавийликни янада оширишимиз, моҳир футболчилар сафини кенгайтиришимиз зарур бўлади.

Мазкур футбол ҳақидаги ҳужжат эълон қилинган кунлари Қозоғистон футбол уюшмасининг вице-президенти Т. Сегизбоев бошчилигидаги республика спорт вакиллари Тошкентга меҳмон бўлиб келишган эди. У қарор билан танишиб чиққач қувончини яширмай: ўзбек футболининг келажаги порлоқ бўлади, деган фикрни билдирди.

Қарорда қайд этилганидек, бундан буён футболимиз ривожига вилоят ҳокимликларининг масъул эканликлари диққатга сазовордир. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда футболга катта аҳамият бериб, мустақил республикамиз маънавий истиқболини таъминлаш йўлида яна бир собит қадам ташланди.

Тўлаган ИСҲОҚОВ,
футбол фахрийси, Республика футбол жамоаларининг бошлиғи.

● *Луқма* ●

БАХМАЛДА ҲОКИМ БОРМИ?

Тоғли Бахмал районидаги бир қатор қишлоқларда мактаблар қурилиши муаммосининг бошланганига кўп йиллар бўлди. Келиб-кетаётган раҳбарларнинг бири «ундай» деса, бошқаси «бундай» деб аҳолини тинчлантириб туришдан нарига ўтишмади. Маҳаллий ҳокимиятдаги айрим «тадбиркорлар» эса зарур пайтда ҳатто аҳолини бир жойга йиғиб, қурилиши лозим бўлган мактабларнинг жойини аниқлаб беришни ҳам уддалашолмади. Шу боис, 17, 30, 33, 34-мактабларда таҳсил олаётган минглаб ўқувчилар ёзнинг жазирама иссиғию, қаҳратон қиш кунлари деворлари нураб, қулай деб турган, тор, деярли иситилмаётган хоналарда ўқишмоқда.

Сарой қишлоғидан таҳририятга хат йўллаган бир гуруҳ ота-оналар ҳамда ўқувчилар ўз мактубларига синфхоналарнинг ҳозирги аҳволини акс эттирган суратларни ҳам қўшиб юборишибди. Мактабга боргач, синфхоналарнинг бир қисми қулаб тушганлигининг, машғулотлар эса эндиликда ёпиб қўйилган иккита боғчага кўчирилганлигининг гувоҳи бўлдик. Район ҳокими ўринбосари Бахтиёр Омоновнинг таъкидлашича, эски мактаб ёнида янгиси қурилаётганмиш. Аммо 1989 йилда бироз тупроқ ишлари бажарилган жойда ўша пайтда келтирилган бир неча темир-бетон блоклари уюлиб ётганлигини кўрдик, холос.

— Мактаб қурилиши бошланганидан хурсанд бўлгандик,— дейди хат муаллифларидан бири, тиббиёт ходими Сайфулла Аҳмедов. — Аммо бироз ўтгач, лойиҳада камчилик бор экан, деб ташлаб қўйишди. Кейин билсак, мактаб қурилиши умуман ўша йилга режалаштирилмаган экан. Вилоят агросаноат уюшмаси зарур маблағни ажратмапти.

Ростданам 1989-1990 йилларда раҳбарлар райондаги бир неча мактаблар қурилишини бошлаш ҳақида кўрсатма беришган. Афтидан, юқорида таъкидлаганимиздек, улар халқни тинчитиш, балки вақтинча бўлса ҳам ўзларини кўрсатиш учун шу ишга қўл урган кўринади. Бўлмаса, шу пайтгача муаммоларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини ҳал этиш мумкин эди-ку!!

Айниқса, 30-мактабда аҳвол аянчли. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам уч жойга қатнаб, кунига беш олти чақирим йўл юриб сарсон бўлишмоқда. Ўқитувчи Уринбой Мамадалиев, Ботир Ортиқбоев мазкур аҳволнинг дарс сифати, ўқувчиларнинг ўзлаштириш ва давоматига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлашди. Хўжаликдаги иккита боғча эса ёпилган. «Қалдирғоч» болалар боғчаси мудираси Марям Мамасолиеванинг гапига қараганда, 50 нафарга яқин жажжи ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналари, боғчанинг 10 нафар ишчи-хизматчиси овора бўлишибди. Боғча анжомларининг қаердалиги ҳам кўпчиликка қоронғи.

Хуллас, юз бераётган воқеаларга қараб Бахмалнинг эгаси борми, деган хаёлга боради, киши. Минглаб ўқувчилар мослаштирилган, қиш кунлари иситилмайдиган хоналарда таҳсил олаётганлигини кўра-била туриб, маҳаллий раҳбарлар яна қайси масалалар ҳақида бош қотиришаётган экан! Ёки бош қотиришаётганга ўхшаб мудраб ўтиришганмикан!

Бахмалда ҳали қиш нафаси уфуриб турганлиги сир эмас. Мактаблар, касалхоналар, болалар муассасаларида болалар, беморлар дийдираб туришган суратларни кўриб ўйлаб қоласиз: Бахмалда ҳоким борми ўзи!

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЕРГА ОҚДИ, КЎККА УЧДИ...

Хом ашё сероб бўлса, қўйгани жой тополмай қоларкан. Шу боис бўлса керак, Навоий электрлашган кимё заводи ишбилармонлари антиқа иш қилишди. Заводнинг фазолон ишлаб чиқариш цехида бир килограмм эмас, юз килограмм эмас, роппа-роса 7 тонна техник спиртни ташқарига оқизиб юборишди. Нега дейсизми! Хом ашё бисёр бўлгач, шунақа бўларкан-да. Чунки, заводдаги аксарият цехлар спирт билан ишлайди. Кўплаб ноёб асбоб-ускуналар у билан ювилади. Шу боис заводга ҳар суткада 6-8 тонна техник спирт урвоқ эмас.

Худди шу тонна-тонна спиртни ишлатиб, кўзи қотиб кетган бошқарув ва хом ашёни бир меъёрда сарфланишини кузатув бўлимидаги мутахассислар ўша тунда нимагадир босим кўтарилмаётганининг гувоҳи бўлишса-да ташқарига чиқиб, қувурларни кўздан кечиришмади. Аниқроғи иссиқ жойларини совутгилари келмади. Бироқ бошқарувчи ва кузатувчи кимёгарлар эрталаб қарашса... етти тонна спирт тупроққа оқиб, кўлмак бўлиб ётибди. Боқибеғамлар қандай жазо билан сийланди! Завод директори Генрих Изаксон фазолон ишлаб чиқариш цехи раҳбарларини, инженер-техникларининг бу қилмиши учун бироз пўписа қилиб, лавозимидан пасайтирди, холос.

Ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Бошқарув марказидагилар, аслида қайси амалий иш учун 10—12 минг сўмга етказиб маош олишади! Нима, улар спиртни ерга оқизиш учун навбатчилик қилишадими! Яна бир муҳим томони «нихтрочи»лар айни пайтда ўта тақчил ҳисобланган техник спиртнинг Ҳамдўстлик мамлакатларидан қарийб олтин баҳосида олиб келинаётганини билишармикан!!

Шуниси ачинарлики, хом ашёни тупроққа оқизиш ёҳуд кўкка совуриш биринчи маротаба юз бераётгани йўқ. 1992 йилнинг ўзида 30 миллион сўмликка яқин у ёки бу хом ашё ҳавога учиб кетган эмиш!

Худди шу ўринда яна бир аччиқ ҳақиқатни қайд этмоқчимиз: қачонгача заводдан техник спирт ўғирланиб, қаллоблар қўлида қўлбола араққа айланади! Навоийда мастона баҳоналарни сўраб-суриштирадиган раҳбар борми!

Муаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Темур тузуқлари

УРУШ ВА ТИНЧЛИК (ВАҚТИДА) СОҚЧИЛИК ҚИЛИШ ВА МАЖЛИСИЙҒИНЛАРДА ҲОЗИР БЎЛИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, сипоҳийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларига кулоҳсиз (бош кийимсиз), этиксиз, сармуза[1]сиз, бўрк ёқалик чакмонсиз, бўкда[2], қиличсиз ҳозир бўлмасинлар. Ўн икки минг қилич осган аскар урушу тинчлик вақтида бутун яроқ-аслаҳалари билан кўшкда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдиндан қуршаб турсинлар. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши соқчилик қилиш учун ҳозир бўлишсин. Ҳар юз қиличли устиға бир юзбоши қўйилсин ва унга шартлашилган махфий сўзни айтсинлар.

Яна амр қилдимки, уруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг қуролланган отлиқ сипоҳи билан бир кеча-кундуз давомида ҳар қайсилари ўз хонларини қўриқлаш учун ҳозир бўлсинлар. Бу ўн икки минг отлиқ лашкарни тўрт фавжга бўлиб, бир фавжини баронғорга, бошқасини жавонғорга, биттасини ўрду[3]нинг олдига, бошқасини эса ўрдунинг орқа тарафига тайинласинлар. Ушбу фавжлар навбатма-навбат ўрдудан ярим фарсанг узоқлашиб соқчилик қилсинлар. Ушбу тўрт сипоҳий фавж ўзлари учун ҳировул[4] белгиласинлар, ҳировулдан эса қоровул[5]лар тайинлансин. Улар бўлса эҳтиёткорлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, ўрдуга хабар етказиб турсинлар.

Яна ҳукм қилдим, атрофимда жойлашган лашкар ва ўрдуга, ҳар бирида [алоҳида] биттадан қутвол[6] тайинласинлар ва ўрдуни қўриқлаш, соқчилик қилиш ишлари шулар устига юклансин, бозор аҳлидан[7] солиқ олиш ҳам шулар зиммасида бўлсин. Агар ўрду аҳлидан бирон кимсанинг нарсаси ўғирланса, улар жавобгарликка тортилсинлар.

[1] Сармуза — кавушнинг бир тури.
[2] Бўкда — ханжар.
[3] Ўрду — юриш вақтида подшоҳ ва хоннинг қароргоҳи; қўшин жойлашган ер (лагерь).
[4] Ҳировул — бирон қисм (марказ, қанот) олдида турувчи ҳарбий бўлинма.
[5] Қоровул — хабарчи қисм.
[6] Кутвол — қалъа бошлиғи (комендант).
[7] Бозор аҳли — ўрду атрофида савдо-сотиқ билан машғул бўлган кишилар.

85.

[Қўшин орасидан] тўрт фавж чопқунчилар тайинлашни буюрдим. Булар тўрт фарсанг масофада лашкар ёнида юриб, уларни қўриқлаб борсин. Бордию лашкардан бирон киши ўлдирилганини ёки яраланганини кўрсалар, унинг ишини ўз зиммаларига олишлари лозим. Агар бирон кимсанинг нарсаси ўғирланса улар жавобгар бўлсин.

Яна буюрдимки, лашкарнинг учдан бир қисми сарҳадларни қўриқлаш ишига белгилансин; [учдан] икки қисми эса доим салтанат хизматига ҳозир бўлиб турсин.

ВАЗИРЛАРНИНГ ХИЗМАТ ҚИЛИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар. Биринчи — мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муомалаларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, киримчиқимларни, [мамлакат] ободонлигини, [аҳолининг] фаровонлиги ишларини ва хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганлигини менга билдириб турсин.

Иккинчи — сипоҳ вазиридирки, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳо[1]ларини бошқарсин, тарқоқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун [доимо] сипоҳ аҳволидан хабардор бўлиб турсин ва уларнинг аҳволи ҳақида менга хабар бериб турсин.

Учинчиси — эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган [савдогарлар] мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ-яйловларини бошқариб, буларнинг барисидан йиғилган даромадларни омонат тарзида сақловчи вазирдир. У ғойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, меросхўрларига топширсин.

Тўртинчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом харажатлар, [ҳатто] отхона ва [саройдаги] бошқа жонзотларга қилинган харажатларгача огоҳ бўлиши керак.

Яна амр қилдимки, сарҳадлар ва менга тобе мамлакатларга оид [ишларга масъул] уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (холиса) тузилсин. Улар мазкур ерлардаги молиявий муомалаларни ва келадиган даромадларни бошқарсинлар.

[1] Бу ерда тожу тахт учун қилган хизматлари эвазига берилган инъом маъносида.

86.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан

БИЗНИНГ БЕК АКА

Биз уни севиб, ардоқлаб «Бек ака» деб улуғлардик. Шундай дейишга арзирди у. Меҳнаткаш, жафокаш, меҳрибон инсон эди. Газетада саҳифаловчи (випускающий) бўлиб ишларди. Ойлиги жуда оз, уни бир неча бор оширмоқчи бўлиб тегишли ташкилотларга хатлар ёзганмиз, аммо ўша даврларда маошни ўзгартириш ҳечам мумкин эмасди. Кам ойлик билан дунёдан кўз юмиб кетди. «Ҳарфлардан гул ясовчи наққош эди у». — Унинг қабр тошига ушбу ёзувлар битилган.

Бек ака ишлаган кезларда босмаҳонанинг имкониятлари чекланган эди. Ҳарф терадиган машиналар эскириб қолган, тез-тез ишдан чиқиб турарди. Бунинг устига расмий ахборотлар жуда кеч келар, баъзан газета тонг отарга қолиб кетарди. Энди саҳифани созлаб, «пресс»га топшираман деб турганда, муҳим ахборот келиб қоларди. Шунда Бек аканинг жаҳли чиқиб телефонни олардида: «Бу қанақаси ўзи, ахир Москвадагилар ухлайдими, йўқми», деб хуноби ошиб кетарди.

Ҳа, бунақа воқеалар кун ора қайтариларди. Баъзан ҳарф терадиган машина синиб қолар, темир «одам» бардош беролмасди, аммо Бек ака кечани-кундузга улаб тиним билмай ишларди, азонга яқин бир пиёла чой ичиб оларди-да, яна кучга кириб кетарди.

Газетамизнинг муборак 75 йиллигида Мирлатиф Миртемировни ёдга олмасак бўлмайди. Газетага унинг меҳнати кўп сингган, қанчаданқанча шогирдлар етиштиргган. Унинг шогирдлари: Ориф Иброҳимов, Фахриддин Йўлдошев, Юнус Зиёдов, Мирзоҳид Миршаропов, Азиз Обидов, Рифқат Гарипов, Исмат Мансуров, Тўлаш Музаффаров, Шомил Бекашов, Тавфиқ Абдураҳмонов, Нўъмон Ваҳобов ва бошқалар. Уни газетанинг техник муҳаррири деса бўлади. Илоҳо, руҳлари шод бўлсин шу муборак кунларда.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

МАТБУОТ КУНИ ҚАЧОН?

Асрлар давомида ҳар биримиз орзу қилган эзгу ниятга — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб мақсадимиз амалга ошди. Эндиликда давлатимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тўлиқ мустақилликни қўлга киритди. Демак, биз ҳеч қайси мамлакатга қарам эмасмиз. Бунга эришиш учун Ислом Каримов бошчилигида ўтган йили кенг кўламли ишлар бажарилди. Серқуёш диёримиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва шу каби дунёнинг барча нуфузли ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, жаҳонда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллади.

Лекин, кўп йиллар халқимизни аросатда сақлаган, қизил салтанат даврида қабул қилинган баъзи касбкор байрамларига ҳалигача амал қилинаётганлигини ўтмиш қолдиқлари деб ҳисоблаб, уларни Ўзбекистон Республикаси турмушидан, мустақилликнинг ҳаётий жабҳаларидан келиб чиқиб ўзгартирилса, нур устига аъло нур бўларди.

Биз ҳозиргача матбуот кунини Россия мамлакатининг «Правда» рўзномаси чиқа бошлаган 5 май кунида нишонламоқдамиз. Ахир, қайси бир мустақил давлат чет эл мамлакати учун муҳим сана ҳисобланган байрам ёки касб-кор кунларини нишонлаяптики, биз улардан ўрнак олсак?!

Худога шукрки, республикамизнинг ўз отахон рўзномалари бор. Ана шулардан бирини **«Ўзбекистон овози»** деб биламиз. Маълумки, **бу рўзнома 1918 йил 21 июндан ташкил топган. Шундай экан 5 майда эмас, балки 21 июнь кунида Матбуот кунини нишонласак адолат тантана қилиши билан бирга юртимиз мустақиллигини яна бир бор эътироф қилган бўлардик,** деб ҳисоблаймиз.

Турғунбой БЕКНАЗАРОВ,
Абдусалом АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти, Бекобод районидаги Алишер Навоий номли 29-ўрта мактаб ўқитувчилари.

Наврўз сайлида.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- Газета — давр муҳри («Ўзбекистон овози» фахрийсининг эсдаликлари)
- «Меҳмонхонами, каптархонами?» (фельетон)
- «Эсиз Оқтош, эсиз Оқтош» (ёзувчи муаммо қўяди).
- «Йигирма саккиз қалдирғочнинг бири» (кекса журналист ҳамкасби ҳақида).
- Мирмуҳсин ижодхонасида

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 26 мартда чиқади).

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ЛАҲЗАЛИ ЛОТЕРЕЯСИ ФАҚАТ ШАХСИЙ ЖАМҒАРМАНГИЗНИ БОЙИТИШИНГИЗГА ЭМАС, ҲАТТО МИЛЛИОНЕР БЎЛИШИНГИЗГА ҲАМ ИМКОН ЯРАТАДИ!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАРИ БУНГА ШАХСАН ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИЛАР!

Сизни 25.000.000 сўм, 15.000.000 сўм, 10.000.000 сўм, 5.000.000 сўм, 1.000.000 сўм, 500.000 сўмлик ва бошқа ютуқлар кутади!

ЛОТЕРЕЯ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДАГИ БАТАФСИЛ АХБОРОТНИ:

— ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ СОТИЛАЁТГАН ЖОЙЛАРДА АФИШАЛАРДАН,

— 54-26-31, 33-51-95, 45-66-43 РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ БИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БАХТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!
СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

«ЎЗБЕКИСТОН «ЭКОСАН» ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ФОНДИ. «ВОСТОК» ФИРМАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

Risiko суғурта жамияти ва "Кўз хирургияси" тармокларо илмий-техник комплекси ТОШКЕНТДА!

- беморларни синчиклаб текшириш
- кўз касалликлари диагностикаси
- эҳтиёжмандларни "Кўз касалликлари" ТИТКга (Москва ш.) йўналтириш

"Ризико" суғурта жамияти ўз мижозларига янги хизмат турларини кўрсатади. Биз Сизга С. Федоров Маркази мутахассисларнинг текширувидан ўтиш имкониятини яратамиз. Тиббий кўрикнинг баҳоси 4.800 сўм.
Корхона ва ташкилотлар ўз ходимлари учун ўтказиш йўли билан пул тўлашлари мумкин.
"Ризико" суғурта жамиятининг мижозлари эса тиббий суғурта дафтарчаси бўйича.

ДИҚҚАТ!

Мутахассислар фақат 500 кишини қабул қиладилар.
Беморларнинг энг кичик ёши - 15 ёш.
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 33-22-74, 33-92-02.
Манзил: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 3-боғи берк кўча, 19-уй.

ҚИДИРИЛМОҚДА

1949 йилда Жиззах районидаги Хайробод қишлоғида туғилган АБДУЛЛАЕВ Абдувоси қидирилмоқда, У 1993 йил 19 март куни оқ рангли, «ВАЗ—2106» маркали, давлат рақами А 94—56 ДД бўлган шахсий машинасида чиқиб кетганча қайтиб келмаган.

Бўйи 1 метру 75 сантиметр, сочи қора. Уша куни эгнида кулранг куртка, кўк кўйлак, қора майка, оёғида махси-кавушн бўлган.

Айрим белгилари: юзининг ўнг томонида пашшахўрда холи, ўнг оёғида операция чандиғи бор.

Абдуллаев Абдувосини кўрган ё у ҳақда эшитганлар «02» орқали Жиззах вилоят ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» редакцияси жамоаси газетанинг Фарғона вилояти бўйича собиқ ўз мухбири Алишер Ибодиновга онаси

Холнисо ая ИБОДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади марҳуманинг қариндошларига ҳамдардлик билдиради.

«Муштум» жамоаси журналнинг собиқ ходими, меҳнат фахрийси, таниқли рассом

Наримон ИБРОҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-76-04; 32-53-15.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухородa — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Урганчда 6-72-60;
Қаршида — 3-25-70; Термизда — 2-23-01.

Навбатчи муҳаррир: З. ҲАЙДАРОВ.

- Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди
- Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
- Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
- Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
- Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
тиражи — 169.328 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—115 № 51.

Узбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.